Баъзи кишилар носга «дўст» тутунишган. Лекин улар бунинг зарари ҳақида билишадими? Бугунги кунда носнинг ўткир ошқозон-ичак касалликларини, ҳатто саратон (рак) каби белаво дардни келтириб чиқариши айни ҳақиқат. Шунга қарамай, бу заҳри қотил ишқибозларини кўча-кўйда, баъзан ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ҳам учратасиз. Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

Айни пайтда Америка Қўшма Штатларида чекувчилар сафи камайиб бораяпти. Бунинг боиси нимада эканлигини биласизми? Улар бу бахтга телевидение орқали сигареталар рекламасини кескин камайтириш, олий ўқув юртлари, жамоат жойлари, мактаблар, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳавони бузаётганларга жарима солиш, ва ниҳоят, кишиларнинг маданий савиясини кўтариш эвазига эришишмоқда. Агар киши ўз қадрини билса, саломатлигини, авлодларининг тўкис бахтини ўйласа ҳеч қачон хонасини ифлос қилмайди.

— Нос чекканда атроф ифлосланади. Бундан ташқари, томоқ оғриғи, бўғма касалликлари ҳам содир бўларкан, — дейди бўлинма командири, капитан Рустамжон Тоштемиров бу борадаги суҳбат асносида. — Биласизми, айрим кишилар нос чеккач, оғизларини чаймасдан юраверишади. Сув ва овқатга қўшилиб ошқозонга тушган нос қолдиқлари эса ҳазм қилиш органларини заҳарлайди, оқибатда ёш ношуд, камқувватли бўлиб қолади.

Носнинг зарарлари ҳақида ҳафтада уч кун ўтказиладиган тозалик кунларида солдатларга тушунтириш ишлари олиб бораяпмиз. Ақлидрокли йигитларнинг тезда бу ярамас одатдан халос бўлишаётгани қувонарли ҳол. Афсуски, баъзи бир ёшлар қанча насиҳат қилманг, ўз билганларидан қолишмайди: яшириниб, бўлса-да ўз муддаоларини ҳосил қилишади. Тарбияни аввало оила ва мактабдан пухта бошламасангиз қийин экан.

Оддий аскар НизомБотиров Қашқадарё вилоятининг Китоб районидан ҳарбий хизматга чақирилган ақл-фаросатли, идрокли йигит. У ҳам билиб-билмай олдинлари нос чеккан экан, унинг зарарини билгач, бу касофатни тарк этибди. Соғликнинг олтиндан ҳам қиммат эканлигини барча бирдек тушуниб етса қанийди.

— Чекишни ташлагач ўзимни ҳам жисман, ҳам маънан бақувват ҳис қилдим,— дейди у. — Фикрларим тиниқ ва тоза, жисмоний машғулотларда ҳам сира қийналмайман.

— Низом, солдатлар нима сабабдан нос чекишади? — сўрайман суҳбатдошимдан.

— Менимча, биров ҳулабеҳудага зерикканидан, кимдир олифталик ва такаббурликдан нос чекади. Мен уларга жисмоний ва маънавий баркамоллик учун яшанг — зерикмайсиз, ўзингизни камтарин, ҳамма қатори оддий бир инсон эканлигингизни англанг — мағрурланмайсиз, ўшанда нос деган заҳри қотилдан бир йўла қутиласиз, деб маслаҳат бераман, — дейди у.

Ҳаёт — бардавом. Ўзбекистонимиз келажаклари бўлмиш ёшлар соғлиги йўлида ҳар ким қайғуриши, бу эзгу ишга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Ю. РАСУЛОВ,
жамоатчи мухбиримиз.
Тошкент гарнизони.

● ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ОДАМБОЕВНИНГ ҚАҲРАМОНЛИГИ

Гвардиячи катта сержант Жуманазар Одамбоев Шарқий Пруссияда бўлаётган жангларнинг бирида ажойиб қаҳрамонлик кўрсатди. У, жанг вақтида ўз қисмидан ажралиб, душман аскарлари турган томонга ўтиб қолди. Немислар уни тирик ушлаш учун чор атрофидан ўрай бошлади. Ўз қасамига содиқ бўлган жангчи душман қўлига асир тушмаслик учун 100 дан ортиқ душман билан олишди. Натижада у, 60 га яқин гитлерчини ўлдириб, ўз қисмига етиб келди.

Қисм командири ўша ондаёқ Одамбоевга ташаккур билдириб, Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлашга тақдим этди. Ўзбек халқининг азамат йигити Жуманазар Одамбоев жангларда жасорат кўрсатмокда.

Раҳимбой ХЎЖАНИЁЗОВ.
3-Белоруссия фронти, «Қизил аскар хақиқати» газетасининг 1945 йил 3 мартдаги 14-сони.

«ТИГР»НИ ЁНДИРГАН БОТИР

Низом Қозиев Сталинград учун олиб борилган жангларда, снаряд ташувчиликдан, тўп командиригача ўсди. Душманнинг бир кунда 20-30 лаб қилган қарши атакасини чидамлик билан қайтаришга кўмаклашди.

Жангларнинг бирида Низомовнинг гвардиячи қисми устига душман 30 дан ортиқ «тигр», бир мингдан кўп солдати билан қарши атакага ўтди.

Гвардиячилар мардона туриб, душман атакасини қайтаришга бел боғладилар. Ўқчиларимиз ўз милтиқларини, тўпчиларимиз замбаракларини, пулемётчиларимиз пулемётларини сайратиб, душман устига ўт ёғдира бошладилар.

Жанг 8 соат давом этди, душман ҳолдан кетди. Низом Қозиев командирлик қилган тўп расчёти шу кунги жангда 75 га яқин немис солдатини ва 3 пулемёт нуқтасини, 2 та «тигр»ни ўз тўпларидан тўғри мўлжал билан ўт чиқариб ер билан яксон қилди.

Гвардиячи сержант Қозиев расчёти шу каби оғир, қонли жанглар билан Сталинграддан Курск, Белгород ва Смоленск, Витебскни душманнинг ифлос панжасидан озод қилиш жангларида иштирок этди.

Жангларда кўрсатган қаҳрамонлигини назарда тутиб, уни қўмондонлик «Жасурлик учун» медали билан мукофотлади.

Гвардиячи сержант Қозиев душман ери Шарқий Пруссиянинг Гумбинен, Шталуппенен, Белау ва Кенигсберг шаҳарлари учун олиб борилган жангларда қаҳрамонона курашди. Бу жангларда уни қўмондонлик «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Ўзбек халқининг фарзанди гвардиячи сержант Қозиев душман устидан ғалаба, қозониш йўлида мана шундай жанг қилмоқда.

Гвардиячи лейтенант
Ғофур АҲМЕДОВ.
«Қизил аскар ҳақиқати», 1945 йил 5 май, 32-сони.

МИНА ЯШЧИГИДАН ЧИҚҚАН ХАТ

Бўлимимиз эндигина дарёдан ўтган эди. Бироқ немислар бутун куч-қувватини сарф қилиб, бизни сувга улоқтириб ташлаш учун тиришди. Уларнинг қарши атакага бўлган уринишини миномётчиларимиз тўхтатди. Айниқса гвардиячи катта сержант Николай Бодрак расчёти моҳирлик билан ҳаракат қилди. Бу расчёт отган миналар немислар сафининг қоқ ўртасида ёрилиб, уларни жангчиларимиз позициясига келишга йўл қўймади. Янги мина яшчигини олаётиб, гвардиячилар унда бир хатни кўриб қолдилар. Ўқловчи хатни расчёт командирига берди. Командир баланд овоз билан хатни жангчиларга ўқиб эшиттирди.

«Қимматли жангчилар! Газандаларни боплаб уринглз! Биз бу ерда мамлакат орқасида туриб, сизларга ёрдам берамиз. Бахтиёр бўлингиз! Салом билан Лариса Школникова, Москва».

Кичкинагина хат чарчаган жангчиларни руҳини кўтарди.

Душман рўпарадан туриб отиш учун танкка отар бир тўпни чиқариб қўйди. Миномётчилар душманни кўриб қолдилар. Наводчик сержант Котцарев тезлик билан мўлжални тўғрилади. Москва қизи Школникова юборган миналар тўпни мажақлаб ташлади. Кейинчалик бир неча немис пулемётлари пайдо бўлди. Гвардиячи катта сержант Бобрак янгидан команда берди. Ҳадемай уч пулемёт яксон қилинди.

Миномётчиларнинг ёрдами билан пиёда аскарлар душманнинг қарши атакасини қайтардилар ва ўз плацдармларини кенгайтирдилар.

— Ларисанинг накази бажарилди, — деди гвардиячилар. Мамлакат ичидаги ватанпарварлар миналарни кўплаб юбора берсинлар. Биз немисларнинг адабини берамиз.

Гвардиячи сержант
В. МИНКЕВИЧ.
Шу газетанинг 1944 йил 20 августдаги 51-сони.

МАҲОРАТИМ УЧУН

Ватанимизга хоинона бостириб келган немис-фашист босқинчиларига қарши курашиш учун бир қанча ўртоқларим билан бирга Наманган область, Янгиқўрғон райони, 1-Май колхозидаги пахталарини гуллатган кетмонимни автоматга алмаштириб, мен ҳам жанг майдонига келдим.

Жангчи ва командирлар бизларни жуда тугишганларини кутиб олгандек қабул қилдилар ва бир неча соат ўтгандан сўнг қисмдаги офицерлардан бири қисмнинг, душманга қарши босиб ўтган жанговар йўли ва жангларда қаҳрамонларча курашган жангчи-азаматлари тўғрисида... сўзлаб берди.

Қисмдаги қаҳрамонлар қаторида туриб жанг қилишим мени завқлантирди.

Мен ўз жанговар ҳаракатимни Москва бўсағасидан бошладим. Душманнинг Москва ёнидаги кучли мудофааларини вайрон қилиб, уни қувдик, бир неча шаҳар ва қишлоқларни ва шунингдек немис асоратига тушиб қолган минглаб совет кишиларини озод қилдик. Бу жангларда мен қаҳрамонона жанг қилиб «Жасурлик учун» медалига эга бўлдим. Жангларда икки енгил ва уч марта оғир ярадор бўлдим, енгил ярадор бўлганимда жанг майдонидан чиқмай курашдим, 9 немисни ўлдирдим...

Пильзит ва Лабиау шаҳарларини эгаллашдаги даҳшатли жангларда энг олдинги қаторда ҳаракат қилиб, 15 гитлерчини ўлдириб, 5 солдатини асирга олганим учун «III даражали Шуҳрат ордени» билан мукофотладилар ва кичик сержант унвонини бердилар.

Кичик сержант
Умарали МАНСУРОВ.
«Қизил аскар ҳақиқати», 1945 йил 11 март, 16-сон.
Акром ота АЪЗАМОВ тайёрлаган.

● ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

„Сименс" ваколатхонаси очилди

30 март куни Тошкентда Германиянинг «Сименс» акционерлик жамияти ваколатхонаси очилди.

— Бу муҳим ҳодиса мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўтказилаётган сиёсий-иқтисодий ислоҳотларнинг мантиқий натижасидир, — деди ваколатхона очилиш маросимида «Сименс» акционерлик жамияти марказий бошқаруви аъзоси Фолькер Юнг.

— Бу сиёсат ўзаро ҳамкорлик учун катта имкониятлар яратмоқда. Биз Ўзбекистонга узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш ниятида қадам қўймоқдамиз.

Қарийб бир ярим аср тарихга эга бўлган «Сименс» айни пайтда дунёнинг 190 мамлакатида ўз ваколатхоналарига эга. У асосан энергетика, телеалоқа тармоқлари, транспорт, тиббиёт техникаси ишлаб чиқариш билан машҳур.

«Сименс»нинг Ўзбекистон билан алоқаси тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Дастлаб «Сименс» телефон алоқаси ускуналари Тошкентга 1904 йилда кириб келган эди. 1993 йилда «Сименс» бошқаруви раиси Генрих Фон Пирернинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган ҳужжат унинг мамлакатимиз билан ҳамкорлигини янги, ўзаро манфаатли асосда бошлашга имкон берди.

Шу кунларда мамлакатимизга «Сименс» акционерлик жамияти бошқарувининг катта делегацияси ташриф буюрди. У мамлакатимиз раҳбарияти, тегишли вазирликлар билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан 50 тага яқин лойиҳаларни муҳокама этмоқда.

«Сименс»нинг Тошкентдаги ваколатхонаси германиялик ҳамкорларнинг мамлакатимиз билан алоқасини мустаҳкамлашда кўмаклашади.

Амирқул КАРИМ.
(ЎзА).

О том, что в годы войны в составе многих частей храбро сражались совсем юные солдаты, которых бойцы по-отечески называли сыновьями полка, знает каждый. Они стали героями литературных произведений военной прозы. Вспомним хотя бы катаевского Ваню Солнцева — сына полка, и Петю Клыпу из «Брестской крепости»...

А были ли дочери полков? Да, были. И одна из них — Валя, впрочем, теперь уже Валентина Николаевна Мясникова. Ее отрочество прошло в солдатской шинели.

ДОЧЬ ПОЛКА

Стояла поздняя осень 1942 года. Трудная, грозовая. Страна напрягала все силы для борьбы с врагом, жестоким и кровавым. Уходили на фронт солдаты, а в полупустые дома возвращались лишь терзающие душу серые «похоронки». Семья Валентины тоже получила такую — погиб Валин брат. Где-то далеко сражался ее отец. А здесь, под Москвой, в Перовске, перед Валиными глазами рядом с дорогими лицами родных — фронтовиков стоял образ отважной партизанки Зои, казненной гитлеровскими палачами в селе Петрищево.

И Валя страстно стремилась отомстить врагу за брата, за Зою, за тысячи безвестных героев. Так зародилось решение идти на фронт защищать Родину.

Три месяца ходила Валя в парикмахерскую к знакомому мастеру, училась работать. В конце февраля 1943 года девочка, обвязавшись старенькой шалью, со свертком в руке пришла на подмосковную станцию Кусково, где стоял воинский эшелон.

Командир части сначала и слушать ничего не хотел:

— Твое место на печке. Возвращайся домой, доченька.

— Нет, — решительно ответила Валя. — Я умею стрелять. А стричь и брить солдат кто, по-вашему, будет? А я могу — вот инструменты. Да и дома у меня никого нет: брат еще в сорок первом погиб, отец тоже на фронте.

Командир задумался, посмотрел на девочку печально, как, наверное, смотрел на свою дочь, уходя на войну, и приказал зачислить ее дочерью полка.

Так Валя попала в 1309-й истребительно - противотанковый полк... В перерывах между боями шла она на батарeи, и стрекотала машинка в сноровистых Валиных руках. Часто девушку в солдатской форме видели в санчасти — она помогала стерилизовать бинты, перевязывать легкие раны.

— Во время обстрелов и бомбежек, — рассказывает Валентина Николаевна, — приходилось прятаться и ждать. Меня в полку все очень берегли и жалели. А в минуты затишья где-нибудь в окопе собирались солдаты и просили спеть.

Валя охотно пела своим звонким детским голоском фронтовые песни: «Землянку», «Синий платочек», «С далекой заставы»... Светлели лица бойцов, вспоминавших в эти короткие минуты свои семьи, и ласково улыбались они дочери полка: «Маленькая Валенька, чуть повыше валенка»...

Многие из них потом уходили в бой и не возвращались, но Валя на всю жизнь запомнила их имена и лица. Унесла война вслед за старшим братом и отца Вали. Но сама она осталась жива и вернулась домой.

В послевоенные годы Валя училась в Москве, была пионервожатой, а затем с семьей приехала в Узбекистан и стала работать во Дворце пионеров в Ташкенте.

Непередаваемая радость охватила Валентину Николаевну, когда ребята, с которыми она работала, принесли ей книгу Тараса Степанчука «Обелиски у дороги» — о подвигах артиллеристов в период войны.

С трепетным волнением перелистывала Валентина Николаевна страницы этой книги, встречая все новые и новые дорогие имена. Но о послевоенных судьбах ее однополчан в книге не говорилось ничего. И тогда за поиски взялись старшеклассники Дворца пионеров. Два года шли они по следам 1309-го полка, пока не начали откликаться однополчане Валентины Николаевны. Из Днепропетровска написал Герой Союза Иван Иванович Соломоненко. Потом пришла весть из Винницы от подполковника Семена Тихоновича Перевертайло. А скоро письма «с войны» пошли к Валентине Николаевне потоком.

...В майские дни 1975 года, когда страна отмечала 35-летие Победы, в Ленинграде состоялась долгожданная встреча однополчан 1309-го истребительно-противотанкового артиллерийского ордена Кутузова полка.

На эту волнующую встречу из Тамбова приехал Меньшов Дмитрий Матвеевич с супругой, из Чернигова — Петр Андреевич Войтышенко с супругой, из Днепропетровска — полковник Герой Иван Иванович Соломоненко, из Харькова — Николай Игнатьевич Дубрава, из Новосибирска — племянник погибшего в боях Героя Григория Лахина — Николай Васильевич Головко. Из Ташкента приехала дочь полка Валентина Николаевна Мясникова. На эту встречу из древнего Самарканда был приглашен и автор этого рассказа. Собрались с семьями и детьми у бывшего командира полка полковника в отставке Семена Борисовича Колмансона. Спустя несколько десятилетий после разлуки однополчане со слезами на глазах крепко обнялись.

...Вот и нашлись боевые спутники Валентины Николаевны. Снова, несмотря на годы и расстояния, выстроился, подравнялся Валин полк. И она вместе со всеми на левом фланге — «Маленькая Валенька, чуть повыше валенка»... Но в жизни все они, ветераны-фронтовики, на одном фланге — на правом.

С момента нашей трогательной и волнующей встречи в Ленинграде 8—11 мая 1975 года прошло вот уже 20 лет. Как скоротечно время. Кажется, это было совсем недавно. За этот промежуток времени много воды утекло. Где же вы, друзья-однополчане Валентины Николаевны?

Как хочется встретиться с вами вновь.

А. ИСЛАМОВ,
член Союза журналистов Узбекистана.

● К 660-ЛЕТИЮ СО ДНЯ РОЖДЕНИЯ АМИРА ТЕМУРА

Одного из величайших людей в мировой истории, крупнейшего государственного деятеля и полководца, внесшего огромный вклад в экономическое, политическое и духовное развитие народов Центральной Азии, покровителя восточного зодчества, науки и культуры — незабвенного Амира Темура — хорошо знают во Франции. На протяжении почти 200 лет французские ученые вели глубокие исследования, создавали научные труды о великой империи этого крупнейшего правителя, границы которой простирались на огромные расстояния.

Амир Темур и Франция

Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов с глубоким удовлетворением отмечал, что во Франции вот уже несколько веков подряд ведутся серьезные исследования о нашей истории, культуре, языке, наследии наших великих предков.

Особого внимания заслуживают такие фундаментальные труды, как «Жизнь Темура» (1890) Лангле, «Тамерлан» (1942) А. Шампдора, «Властители Азии» (1951) М. Першерона, «Степная империя» (1960) Р. Груссе, «Тамерлан» (1963) М. Бриона, «Тамерлан, или Империя правителя Темура» (1978) Л. Кэрена, «Тамерлан» (1991) Ж. П. Рун и другие работы.

И действительно, Франция — страна, в которой широко развито темуроведение, то есть глубоко изучается жизнь и деятельность Амира Темура, культура и искусство периода его царствования. Доказательством этому может служить созданная в 1987 году в Париже Ассоциация французско-узбекских культурных связей по изучению истории и искусства эпохи Темуридов. Как отмечено в новом номере регулярно издаваемого ею журнала, то обстоятельство, что в 1996 году отмечается 660-летие Амира Темура и Президент Республики Узбекистан придает большое значение широкому празднованию этой даты в нашей стране и во всем мире, открывает большие возможности для развития культурной ассоциации, ибо юбилейные торжества направлены прежде всего на дальнейшее глубокое изучение истории узбекского народа, жизни и деятельности его великих людей, являющихся национальным символом.

В этом номере журнала опубликованы статьи и о проведении праздничных торжеств в Узбекистане, посвященных 600-летнему юбилею Мирзо Улугбека, материалы под заголовком «Хорасан и Средняя Азия: культурные и политические связи в XIV—XVI веках», «Природа Согдианы», «Современная жизнь женщин Самарканда и Бухары», «Испанские источники о жизни и деятельности Темура».

Большой вклад в деятельность Французско-узбекской ассоциации по изучению деятельности Амира Темура вносят известный ученый-востоковед профессор Люсийен Кэрен и активная пропагандистка культуры Темуридов, любящая традиционные узбекские наряды, госпожа Фредерик Бопартюс-Брессанд.

Книга профессора Л. Кэрена «Тамерлан, или Империя правителя Темура» особо выделяется среди всех трудов об Амире Темуре своей фундаментальностью, поэтому она несколько раз переиздавалась во Франции и Швейцарии.

Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О праздновании 660-летия со дня рождения Амира Темура» предусматривает издать новые произведения об Амире Темуре и его эпохе, касающиеся науки, культуры и искусства тех времен, и в частности, переиздание в нашей стране образцов литературы, опубликованной за рубежом. Парижская ассоциация в содружестве с различными научно-культурными учреждениями Узбекистана ведет подготовку к широкому празднованию в 1996 году юбилея нашего великого предка Амира Темура. В частности, намечено провести международную научную конференцию и выставку, посвященную культуре и искусству эпохи Темуридов, ознакомить французский народ с образцами керамических изделий, созданных в период расцвета искусства народов Центральной Азии. Подобные мероприятия открывают возможность еще раз показать миру вклад нашего великого предка в развитие науки, культуры, и прикладного искусства.

А. ХОЛМАТОВ.
(УзА).

Париж.

ВЕТЕРАНСКОЕ «СПАСИБО»

Мы, ветераны минувшей войны и Вооруженных Сил, через нашу газету хотим выразить искреннюю благодарность медицинскому персоналу неврологического отделения Центрального военного госпиталя Министерства обороны Республики Узбекистан за теплое и внимательное отношение ко всем больным, и особенно к нам, ветеранам.

Мы благодарны начальнику отделения капитану Ш. Якубжанову за хорошо организованный лечебный процесс, а также медицинским сестрам В. Соловьевой, С. Семененко, М. Таштемировой, З. Жумаковой, О. Филатовой, Г. Макаровой, А. Юдочкиной днем и ночью ухаживающим за больными.

Ветераны Вооруженных Сил:

П. ЧИРВА,
полковник в отставке,
А. КАПИТОНОВ,
полковник запаса,
А. ХАЛЛИЕВ,
подполковник запаса.

Музей экспонатлари ҳикоя қилади

Шу кунларда Ўзбекистон республикаси Қуролли Кучлари марказий музейи ниҳоятда гавжум. Бу ерга иккинчи жаҳон уруши, фашизмга қарши ҳаракат иштирокчилари, ёш жангчилар, меҳнаткашлар, талабалар, мамлакатимизга ташриф буюрган меҳмонлар узлуксиз келиб турибди. Улар музейдаги фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган янги экспозицияни зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

«Ўзбекистоннинг ғалабага қўшган ҳиссаси» бўлими барчада алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда Ўзбекистоннинг ғалабага қўшган катта ҳиссаси тўғрисида ёркин ва ишонарли ҳикоя қилувчи фотосуратлар, мактублар ва турли ҳужжатларни кўриш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон меҳнаткашлари уруш йилларида инсониятнинг ашаддий душмани — Германия фашизми устидан ғалабани яқинлаштириш учун жуда кўп иш қилган. Ўшанда республикага юздан ортиқ йирик саноат корхоналари кўчириб келтирилган, 280 та янги корхона қурилган эди. Ўзбекистон саноати уруш йилларида 2090 та самолёт, 7342 та самолёт моторi, 2 миллион 318 минг авиабомба, 16 мингтадан ортиқ миномёт, 137 миллион мина, снаряд ва бошқа ўқ-дори ишлаб чиқарди. Республика қишлоқ хўжалиги мамлакатга 4 миллион тоннадан ортиқ пахта, 1 миллион тоннадан зиёдроқ дон етказиб берди.

Бу бўлимдаги экспозицияда кейинчалик В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси деб юритила бошлаган авиация заводи ишчи ва хизматчиларининг уруш йилларидаги қаҳрамонона меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар ҳам бор. Ана шундай суратларнинг бирида завод ишчилари Н. Йўлдошев ва Н. Рудаков, бошқасида шу корхона ишчиларининг жанговар самолётни йиғиш жараёни тасвирланган.

Уруш йилларида завод жамоаси армияга қанотли машиналарни мунтазам равишда етказиб бериб турган эди.

Бу ерда Олий Бош қўмондоннинг завод раҳбариятига табрикномаси ҳам намойиш этилмоқда. Унда самолётлар эскадрилияси қуришга 1 миллион 565 минг сўм тўплаган завод ишчи ва хизматчиларига миннатдорлик билдирилган.

Экспозицияларнинг янги бўлимида Бекобод ва Фарҳод электростанциялари қурилиши ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар бор.

Ўзбекистон оталигидаги «Марат» ҳарбий кемаси матросларининг республика раҳбарлари номига йўллаган мактубини ҳаяжонланмасдан ўқиш мумкин эмас. Денгизчилар бутун ўзбек халқига салом йўллашган. Фронтдан шу мазмундаги хатлар Тулани ҳимоя қилган ва Калугани немис-фашист босқинчиларидан озод қилган дивизиядан ҳам олинган.

Бу бўлимдан эса, ўзбекистонлик уруш қаҳрамонларининг фотосуратлари ўрин олган. Улар орасида Самиғ Абдуллаев, Ботир Бобоев, Боис Эргашев, Солиҳ Умаров ва бошқа кўп уруш иштирокчиларининг суратлари бор.

Уруш даврида Ўзбекистондан ҳаракатдаги армияга совға — кийим-кечак, пойабзал, озиқ-овқат ортилган 500 га яқин вагон жўнатилган. Бу ҳақда ҳикоя қилувчи материалларга алоҳида жой ажратилган. Фотосуратлардан бирида Йўлдош Охунбобоев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси тасвирланган. Бу делегация Москва ҳимоячиларига 60 вагон янги йил совғаси олиб борган.

Музейда ўзбекистонликларнинг фашизм устидан эришилган Буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи бошқа материаллар — китобчалар, жанговар варақалар ҳам бор. Уларнинг кўплари биринчи бор намойиш этилмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

ЙЎЛЛАРИМИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК)га аъзо бўлган мамлакатларда шу йил март ойининг охири ва апрелнинг бошларида иккинчи марта йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳафталиги ўтказилаяпти. Бундай тадбир биринчи марта 1990 йилнинг октябрида ўтказилган эди. Ўшанда биргаликдаги ҳаракатлар кутилган натижани берганлиги сабабли, Европа иқтисодий ҳамжамияти бу тажрибани яна такрорлади.

Бу сафарги тадбирнинг асосий мақсади ёшларга қаратилган бўлиб, ҳафталик «йўл ҳаракати хавфсизлиги — бу ҳаёт демакдир, ёшлар ҳаётини муҳофаза қиламиз», шиори остида ўтади. Бу бежиз эмас. Ҳукумат идоралари ва халқаро ташкилотларнинг куч-ғайратларига қарамасдан, ҳамма мамлакатларда йўл-транспорт ҳодисалари кўрсаткичи юқорилигича қолмоқда. Булар асосан болалар, ўсмирлар, йигит ва қизлар орасида кўпроқ учрайди. Бизнинг республикамиз ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳафталикнинг мақсад ва вазифалари Европа иқтисодий комиссиясига кирувчи 54 та мамлакатда, жумладан Ўзбекистонда ҳам йўл ҳодисаларининг олдини олишнинг комплекс тадбирларини ўтказишдан иборатдир. Бунинг учун ҳафталикда ҳукумат идоралари, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият идоралари, оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этиши зарур.

ЕИК мутахассислари ҳафталикда қатнашаётган ҳамма мамлакатлар учун кўчаларда ва йўлларда болалар ва ўсмирлар хавфсизлигини таъминлашнинг аниқ йўл-йўриқларини ишлаб чиқдилар. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида ҳафталик доирасида қатор тадбирлар ўтказилади.

КИЧИК ҚОРХОНАЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

Германиянинг «Тиссон рейншталь техник» фирмаси билан тузилган шартномага кўра, Тошкентда 29 март куни Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар фаолияти билан таништириш маросими бўлди. Унда «Ўзплодоовощимпэкс» ташқи савдо фирмасининг вакиллари. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Тиссон рейншталь техник» фирмасининг вакиллари иштирок этишди.

Хорижий меҳмонлар ўзбекистонлик шериклари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини, машина-ускуналар етказиб бериш ва кичик корхоналарни маблағ билан таъминлаш шартларини муҳокама қилдилар.

(ЎзА).

УЛЫБАЙТЕСЬ НА ЗДОРОВЬЕ!

● 1 АПРЕЛЯ — ДЕНЬ СМЕХА

ШУТИЛИ И ТАК...

Обычай посылать 1 апреля мистифицированные поздравления своим знакомым и разыгрывать их распространен во многих странах. Относительно происхождения этого веселого обычая существуют различные мнения. Одни считают, что это остаток древнего весеннего праздника, который справлялся в апреле и сопровождался шутками, играми. Другие предполагают, что «обычай посылать кого-нибудь 1 апреля с каким-либо поручением, чтобы поставить его в смешное положение, берет начало в религиозной мистерии «Страсти Христовы».

Есть сведения, что еще в Древнем Риме практиковались розыгрыши и шутки и праздник этот назывался праздником глупцов или безрассудных. Есть и такая версия: в 1564 году французский король Карл IX перенес празднование Нового года с 1 апреля на 1 января. Многим это не понравилось, и на следующий год они, как и раньше, поздравляли друзей с Новым годом первого апреля, сопровождая поздравления шутками.

У немцев и австрийцев день 1 апреля раньше считался несчастливым.

В России первоапрельские шутки появились в царствование Петра 1. «Шутки немало забавляли и царя, и каждый год он выдумывал около этого времени что-нибудь подобное», писал один из его современников.

Однажды в полночь первого апреля петербуржцы увидели большой огонь за императорским садом. Началась тревога: ударили в набат, били в барабаны... Почти весь Петербург оказался на ногах. Прибежавшие к месту пожара были, однако, удивлены: стража, окружившая места, объятые пламенем, спокойно прохаживалась и на вопрос: «Что горит?» — спокойно отвечала, что сегодня, мол, последнее число марта, а пожар устроен по приказу Петра I, и это не что иное, как шутка...

Как-то гастролировавшая в Петербурге труппа немецких актеров вздумала первого апреля обмануть самого Петра и весь его двор. Все билеты на первоапрельский спектакль были проданы, зал заполнился. Когда же поднялся занавес, зрители увидели на сцене вместо актеров большой транспарант с надписью: «Первое апреля!». Петр принял эту выходку милостиво.

Помните, как у Пушкина:

Брови царь нахмуря, говорил: — Вчера
Повалила буря памятник Петра!..,
Тот перепугался:
— Я не знал... Ужель?..
Царь расхохотался:
— Первый, брат, апрель!..

Собрал М. ЛОБАНОВ.

БОЛЬШОЙ «ЛЕЙБЛ»

Мой шурин Мишка, брат моей жены, приехал из заграничной командировки, ну и, конечно, привез нам всем подарки. Мне — рыболовные крючки, моей теще, Людмиле Гавриловне, ихней матери, — тигра, ну... такого, знаете, его по лбу трахнешь — он пять минут головой трясет. Но главный подарок обломился моей жене, Мишкиной сестре, — штаны! Да какие! Сверху на резинке и очень широкие, снизу тоже на резинке, но очень узкие, ну вроде галифе, что раньше носили. Материал чуть напоминает нашу байку, только ворс вовнутрь, но это только внешне, потому что сразу видно, что качество — с ума сойти можно! Цвет тускло-сиреневый, сейчас, говорят, самый модный. Подкладка только на одной штанине, видно, последний крик. Пакет, в каком штаны были упакованы, — закачаешься! В общем, что говорить — умеют делать!

Моя Мишку расцеловала, штаны напялила — и скорее на работу, она у меня в парикмахерской работает. Ихние сразу все сбежались, даже клиентки, намыленные и накрученные, со своих кресел повскакивали. Моя, конечно, взад-вперед ходит, обновку демонстрирует, а одна из намыленных говорит: «Удобная, конечно, вещь, только что-то вид имеет поношенный и непонятно, что за фирма». Тут на нее все зашикали.

А педикюрша заявила: «Это Карден. Только он мог позволить себе такую кривую, как бы игривую, строчку и карман посередине, а что вид поношенный, так это, если хотите знать, последняя мода!»

Вроде уже все успокоились, да тут подскакивает ихняя ученица Сонька и говорит: «А где «лейбл?» Как на Соньку все набросились: «Как ты выражаешься, мы тебя не этому учили, что это еще за «лейбл»?» Сонька чуть не плачет и объясняет, что «лейбл» — это такая маленькая этикетка, которая есть на каждой фирменной вещи, и что в этом году ей подарили привозной батник и там «лейбл» был. Ну, тут все давай над Сонькой смеяться: сравнила, мол, свой батник с такой вещью, но на всякий случай стали искать. Снаружи все обыскали, даже карман вывернули — нет. Стали искать внутри. Тут неугомонная Сонька предложила посмотреть на подкладке, что на одной штанине. Выворачивают подкладку — видят, что это вовсе никакая не подкладка, а... большой «лейбл» и на нем на чистом русском языке мелко написано: «Одесская швейная фабрика. Шаровары пижамные. Размер — 52», а еще ниже большой лиловый штамп: «Городская инфекционная больница № 1».

Что тут было!!! Родственники разругались.

Моя же с Мишкой помирилась: пакет, в какой штаны были упакованы, оказался все-таки настоящим, ихним. Я в нем принес вчера из магазина пять кило картошки, и отвалилась всего лишь одна ручка. Что говорить — умеют делать!

Л. КЕС.

РОЗЫГРЫШ

Чувства — не чувства
Без юности,
Плов без барана —
Не плов,
Жизнь без веселья
И юмора —
Это, ребята,
Смешно...
Крутятся шарики,
Ролики,
Светит
Экран голубой:
Если судьба —
Это розыгрыш,
Значит, пошутим
С судьбой.
В общем, живется
Неплохо нам —
Есть, что одеть
И обуть.
Только бы
Капельку хохота,
Только бы
Смеха чуть-чуть?

А. ФЕСЬКОВ.

ЁМОН ҚИЛИҚ—ҚАҲРЛИ ЁВ

Нос чекиш (носкашлик) — бангиликнинг бир тури бўлиб, ҳам илмий, ҳам диний нуқтаи назардан қораланадиган зарарли иллатлардан ҳисобланади.

Нос — арабча сўз бўлиб, унутмоқ маъносини англатади. Носнинг таркибида 45% тамаки талқони, 32% кул, 18% ўсимлик мойи, 5% сўндирилган оҳак бўлади.

Тамаки талқонининг таркибидаги канцероген модда — бензпирен бошқа моддалар билан бирга қонга сўрилиб, бош миясига таъсир этади ва носкаш «кайф» қилади, боши айланади. Нос организмга маҳаллий ва умумий токсик таъсир этиб, оғиз бўшлиғида рак олди касалликлари ва ракнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Тиббий тадқиқотчиларнинг аниқлашича, бундай касалликлар нос чекувчиларда уни чекмайдиганларга нисбатан 7 марта кўп учрайди.

Носкашлик — ёмон қилиқлардандир. Маънавиятимизнинг порлоқ юлдузларидан бўлмиш, даҳо даражасидаги Алишер Навоий бобомиз: «Ёмон қилиқ ғолиб душмандир ва қаҳрли ёвдир, ёмон қилиқли киши эса доим унга маглуб ва вужуди ундан мажруҳ», деган пандни ёзиб қолдирганлар. Носкашлар — нос чекишдек ёмон қилиқнинг қулидир. Бу қулликнинг ҳам шаръий, ҳам моддий, ҳам жисмоний, ҳам маданий номақбулликлари борки, буларни носкашлар жуда яхши билишади.

Бундай номақбулликларнинг турли қирралари ҳақида бир юк тўкмас шоири Маҳтумқули ҳам жуда яхши фикр билдирганлар. Биз унинг қуйидаги шеърини нос чекувчиларга тақдим қилар эканмиз, хулоса чиқаришни уларнинг ақлу заковатига ҳавола этамиз.

ЭЙ, НОСКАШ

Гўё бу дунёга келдинг-келмадинг,
Кўп йиғламоқ мудом ишинг, эй носкаш;
Шариат йўлидан хабар олмадинг,
Қолар дўзах ичра лошинг, эй носкаш!
Бир отим деб ҳар эшикка йўртарсан,
Қўлга қоқиб, уч мисқолин отарсан,
Бурун қоқиб, ёнбошингга суртарсан,
Ҳаром бўлар усти бошинг, эй носкаш!
Намоз ўқиганда устингга оқар,
Унинг учун минг йил дўзахда ёқар,
Охирида сенинг тутунинг чиқар,
Қабул бўлмас кўзда ёшинг, эй носкаш!
Нос чекканлар ҳар нарсани чоқ* этар,
Яхши, ёмон қилган ишин хоқ этар.
Оқар-тушар, уст-бошини булғатар,
Сендан кечар тенги-тўшинг, эй носкаш!
Кўзингни ёшартиб, меҳринг қондирар,
Хумор қилса, имонингни ёндирар,
Таом есанг, товогингни тўлдирар,
Заҳар бўлар ичган ошинг, эй носкаш!
Бир одамни кўрсанг, писиб қочарсан,
Нафасинг кесилиб, оғзинг очарсан,
Хумор қилса, ўғил-қиздан кечарсан,
Ҳайрон бўлар қўни-қўшнинг, эй носкаш!
Қирққа борганингда миянгга чиқар,
Бу ширин жонингни дўзахда ёқар,
Умрингни ўт айлаб, бурнингга тиқар
Захматдан тўкилар тишинг, эй носкаш!
Махтумқули, ўлгандан сўнг биларлар,
Жаноза ўқимай, бурнинг тилардар,
Сақар** деган жойига сени соларлар,
Қандай бўлар унда ишинг, эй носкаш!

* Чоқ — тахмин
** Сақар — дўзах.

Туркманчадан Жуманиёз ШАРИПОВ таржимаси.



К фотоохоте готов.

Фотоэтюд В. ЛЕЩЕНКО.

● ЕЗУВЧИЛАР ТАБАССУМИ

ҚУЧИШ БАҲОНА

Бир куни шоир Муҳаммад Али уйига келса, йўлакда устига рўзғор анжомлари ортилган юк машинаси турган эмиш. Сўраб-суриштириб, олим ва қаламкаш Ғулом Ғафуровнинг шу уйга кўчиб келаётганини билади. Ҳамкасб танишининг қўшни бўлаётганидан суюниб, хотинига топшириқ беради:

— Манзураҳон, ажойиб дўстимиз кўчиб келаётган экан. Битта қўлбола ош дамланг, йўқлаб чиқамиз.

Ош устида янги қўшнилар билан яхшигина гурунг бўлади.

Эртаси куни шоир келса, яна юк машинаси турганмиш. М. Али ҳайрон бўлиб, хотинидан сўрайди:

— Нима гап ўзи, Манзураҳон?

— Ғулом Ғафуров кўчиб кетаялти.

— Ие, шундайми? —дейди шоир ва пешонасини қашиб, қўшимча қилади. — Унда чиқиб Ғуломга тайинлайлик, жуда ош егиси келаётган бўлса, бунақа кўчкўроннини юклаб, озора бўлмай, тўғрисини айтаверсин.

ЭХТИЁТ ШАРТ

Ёш истеъдодларнинг меҳрибон устози Миртемир домла бир куни Носир Фозиловни етаклаб, шаҳарга чиқади. Бозор-ўчар қилишгач, кийим-кечак сотиладиган улкан дўконга киришади. Шогирдини сийлаб, янги костюм-шим олиб беради. Сўнг, сарпони ювиш учун уйга қайтишади.

Ноз-неъматлар муҳайё дастурхонга битта коньяк ҳам қўйилади. Носир ака азбаройи ҳаяжонданми ёки суюнганиданми, шиша қопқогини очаётганда пичоқ тиғи сал бармогига тегиб кетади. Жароҳатдан оқаётган қонга дарров рўмолчасини босади. Аммо улфатчилик узоқ давом этмайди. Шоир секин коньякни кўтариб, бошқа хонага қўйиб чиқади.

Носир ака тамшана-тамшана, ахийри ҳадди сиғиб, сўрайди.

— Домла, бу... ҳалигини давом эттирмаймизми келган жойидан?

— Йўқ, бўтам, сенга бўлди энди!

— Нега энди бўлар экан?

— Ахир битта қадаҳни ичар-ичмас қўлингни кесиб олдинг. Яна ичсанг, калламни ҳам кесиб оларсан.

Шодмон ОТАБЕК.

● ОХУНЖОН ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАРИДАН

КУЁВ ҚОЧДИ

Ўртоқларимдан бири уйланадиган бўлиб, мендан маслаҳат сўради:

— Сиз уйлангансиз, тажрибангиз бор, бир оз менга расм-русумлардан тушунтирсангиз.

— Хўп бўлади, — деб расм-русумларни санаб кетдим. — Куёвга пойандоз солиб, ичкарига таклиф этишади. Шунда отга ўхшаб уч марта қишнаб юборасан. Келинни кўтариб олинг дейишганда, эшакка ўхшаб ҳанграйсан...

Куёв тўра келин, пошшани кўрмасдан, одамларнинг мақтови таъсирида уйлангандилар. Тўй куни менинг айтганларимни қилдилар.

— Оббў, куёв эшак чиқиб қолди-ку, — дейишди қуда томон.

Гўшангага кириб, куёв келининг юзларини орзиқиб очмоқчи бўлиб, мундоқ рўмолни кўтармоқчи эдилар, келин пошша қаршилик кўрсатдилар:

— Анувлани қаранг, мунча шошасиз, ҳалиги... нима эди-я... ҳа, шартим бор...

— Нима шартингиз бор, жоним, айта қолинг!

— Мен бу хонадонда кимдан қочай — акангизданми, почтангизданми, тоғангиздан?..

Куёв тўранинг кўзи хиёл очилиб қолган келин пошшанинг юзларига тушди: бир бедаво, шундай чўтирки, бетига дон сепиб юборса, бит-тасиям ерга тушмайди.

Куёв ўйлаб-нетмай саволга дарҳол жавоб қайтарди:

— Аввал ўзимдан қоч!

Ҳар ким бошидан ўтганини гапирар экан. Бу воқеа менинг ё бошимдан, ё этагимдан ўтган!

Бир тўп ялқов чойхонада ҳалфана қилиб ош пиширмоқчи бўлиб тўпланишган экан. Мени биттаси қўшилишга таклиф қилди.

ОШХЎР

— Бажону дил, — дедим.

Ош тайёр бўлгач, мени иззат-икром билан дастурхонга таклиф этишди. Қорним очиб турган эди, гувалакнинг мингини бай қилиб олган мардикордек ҳеч ёққа қарамасдан ошни бозор нархида олиб кетдим. Қарабсизки, товоқнинг ҳам ранги ўчиб кетди.

— Ҳой, меҳмон, номус борми ўзи, ошниям шунақанги оладими, ҳамма ёқни вайрон қилиб юбордингизку, — деди тўладан келган сержун бир йигит, — гўштни иккитадан олиб, суякни олдингизга тўплаганингиз нима си!

— Ахир гўшт қўлимга учтадан сиғмаса нима қилай?

Бир вақт навбат ҳисоб-китобга келди.

— Меҳмондан икки бош оламиз, жуда хўра экан,— деди ҳалиги арслон сифат сержун йигит.

Шу гапни эшитишим ҳамон тутқаноқ дардим тутиб, ўзимни ташлаб юбордим. Ҳалиги сержун йигит биттасига газаб қилянти:

— Абдурайим, буни сен топгандинг, пулни сен тўлайсан, — деса, униси:

— Мен эмас, анови, — дейди...

Улар бир-бирини кўрсатиб турган кезда секин пана қилиб қочиб қолдим.

ХАНДАЛАР

Паришонхотир бир жарроҳ беморнинг қорнини ёриб бўлгач, шогирдларидан сўради:

— Ҳм... Бу беморнинг қорнини нега ёрдик-а?

***

Бир одам ўртоғига ўн сўм қарз берган экан, ўртоғи ҳадеганда қарзни қайтаравермапти. Қарз берган одам бир куни шама қилипти:

— Бугун туш кўрсам, менга ўн сўм берган эмишсан.

— Жуда соз бўлипти, қарзимдан қутилибман.

***

Икки ўртоқ учрашиб қолипти.

— Ўша севган қизингга уйланиб олдингми ё ҳали ҳам овқатингни ўзинг пиширяпсанми?

— Уйланиб ҳам олдим, ўзим пиширяпман ҳам...

***

Тўй пайтида куёв безовта — унинг янги туфлиси сиқяпти. У тезроқ тўйнинг тугашини кутяпти. Шунда келин дейди:

— Азизим, тўй тезроқ тугаса-ю, икковимиз ёлғиз қолсак...

— Нега, жонгинам? Сизнинг ҳам туфлингиз қисяптими?

***

Рашид ўн саккизга кирган куни отаси дебди:

— Ўғлим, энди тамаки чекишингга рухсат.

— Раҳмат, дада. Чекишни ташлаганимга икки йил бўлди.

***

Бир чўпоннинг ўғли дадасига:

— Дада, мен қўй санашнинг осон йўлини топдим.

— Қандай?

— Аввал оёғини санаб чиқаман-да, кейин тўртга бўламан.

***

Эри жаҳл билан хотинига дейди:

— Болаларингдан бири чўнтагимдан икки сўм пулимни олипти.

— Вой, дадаси! Нега болаларимни айблайсиз? Нега мени олди деб ўйламайсиз?

— Чўнтагимда 20 сўм пул бор эди. Шундан атиги икки сўми йўқ, холос.

***

Врач бемордан сўрапти:

— Чекишнинг зарари ҳақида газетада босилган мақолани ўқидингизми?

— Ҳа.

— Қандай қарорга келдингиз?

— Газета ўқимасликка.

***

Бир одамдан отини сўрашипти.

— Отни берар эдим-у, қора-да...

— Ажаб, қора отни миниб бўлмайдими?

— Бергим келмагандан кейин шу баҳона-да!

***

Бир киши янги уйланган ўртоғидан сўради.

— Хотининг билан қандай яшаяпсизлар?

— Биринчи ҳафтада мен гапирдим, у тинглади, иккинчи ҳафтада у гапирди, мен тингладим, энди иккаламиз гапириб, қўшнилар тинглаяпти.

***

Котиба ишга кечикиб қолибди. Директор кўнгил сўрапти:

— Хоним, тинчликми? Нега кечикдингиз? Бунинг устига хомушроқ кўринасиз?

— Бир ярамас такасалтангга йўлиқиб қолсам бўладими? Орқамдан тушди. Ишга шошаётганимга қарамай, атайлаб секин юрди-я!

***

Кинодан қайтаётиб хотин эридан сўради:

— Ростини айтинг, фильмда кўринган қизлар ичида мендан чиройлиси борми?

— Йўқ, йўқ, гўзалим. Бу фильм экан-ку, бутун жаҳонда сенга тенг келадигани йўқ.

Хотин жуда ийиб кетипти:

— О-о, қанчалик ҳушёсиз! Қанчалик вафодорсиз! Қанчалик суюмликсиз...

— ...ва қанчалик кўркоқман! — деб кўшиб қўйибди эр.

Ж. ИЛЁСОВ тўплаган.

ВСЯКАЯ ВСЯЧИНА

Древняя Греция находилась на том же месте, что и современная.

Первый электрический столб был изобретен задолго до открытия электричества. Изобрел его древний грек по имени Плафон. С тех пор и говорят: «Плафон мне друг, но истина дороже!»

На днях запатентован беззвучный гудок для автомобиля.

ПОЛЕЗНЫЕ СОВЕТЫ

Если ваш муж пришел домой в три ночи, не нервничайте. Закройте глаза и представьте себя в сосновом бору. Пахнет хвоей. Птички поют. А вы идете, идете, идете...

МОДА СЕЗОНА

Линия талии этой весной, как правило, остается на естественном месте. Линия бедер не акцентируется.

Т. МАХМУДОВ.

По сложившейся традиции, сегодняшний день люди считают днем смеха. И это совсем не плохой повод для того, чтобы вспомнить о том, что думают и говорят о проблемах сегодняшнего дня юмористы разных времен и народов.

ПРОСТО АНЕКДОТ

Банкир — это человек, который в хорошую погоду одалживает вам зонтик и в дождь требует его обратно.

***

Цивилизация — это бесконечное увеличение нужных ненужностей.

***

Не откладывай на завтра то, что можно сделать послезавтра.

***

— Ты слышал? Генчеву прописали строжайшую диету.

— Ну, теперь мы можем пригласить его на ужин.

***

У габровца в семье прибавление — родилась двойня.

Фотограф делает снимок одного малыша.

— Заплатите в кассу тысячу левов.

— Второго снимать не надо, — предупреждает счастливый отец. — Он как две капли воды похож на братца.

***

— Вас попудрить?

— Это входит в стоимость бритья?

— Да.

— Тогда, будьте добры, заверните мне пудру — для жены.

***

— Как называется человек, у которого есть гарем?

— Гаремыка

***

— Эй, бармен! Я нашел способ, благодаря которому вы сможете продавать вдвое больше пива.

— Какой именно, сэр?

— Наливайте кружки доверху.

● ИЗ ЦИКЛА «РАССКАЗИКИ»

ЭФФЕКТ ПРИСУТСТВИЯ

В двадцатом веке много сенсационного. Чудеса техники на каждом шагу. В кино — цвет, объем, перспектива. Но такое!

Приятель пригласил меня на ошеломляюще экспериментальный фильм. Потрясение он гарантировал...

Это, казалось, было, бесспорно, открытием века: цвет, запах, можно трогать. Ходи. Дыши. Только не суетись. И иллюзия полнейшая, стопроцентный эффект присутствия.

И вот мы садимся в шикарные кресла. Свет гаснет. Что-то зажужжало. Зал поехал.

Когда приехали и стало светло, мы были изумлены. Это было неповторимо прекрасно.

Мы оказались в саду. Сияло солнце. Пели птицы, трещали кузнечики, журчал ручей. Суета суперделовых людей спала с нас. Мы просто беседовали, не имея в виду извлечь из этого никакой пользы. Мы наслаждались общением друг с другом и окружающей природой. Мы (а среди нас были люди самого различного возраста, склонностей и занятий) буквально расцвели.

Мы были счастливы. Пел соловей. Да, тот самый, басенный. Пел и летал. Трудно было поверить, что это только кино. Краснели спелые вишни. Мы, благоговейно уступая друг другу, сорвали по ягодке. Боже! Что это был за вкус! Нас катали на лодке. Вода плескалась.

Время сеанса пролетело, как прекрасное мгновение. Потом свет погас. Мы очутились в креслах и поехали. Вернулись, все еще переживая неизгладимое впечатление.

Подвоха, казалось, быть не могло. Но он был. Это был чудовищный обман. Оказывается, «изобретатель» усаживал людей в кресла и на колесиках скатывал к себе в сад. В самый обыкновенный сад. С речкой, вишнями и соловьями. В этом и заключался эффект присутствия. Это была примитивнейшая натура, а не искусство.

А. ЗАРИКОВСКИЙ.

ЛОГИКА

Стоя читать неудобно. Лежа читать вредно. Плохую книжку читать неинтересно. Большую книжку — надоедает. Хорошую книжку не достать. Маленькая настолько мала, что не стоит и начинать. Детектив читать страшно. Классику — быстро устаешь. Песенные сборники читать глупо. Днем читать нельзя, нужно делать вид, что работаешь: книжка на столе — это подозрительно. В автобусе читать плохо — пропустишь свою остановку, на улице читать опасно — попадешь под трамвай. Лучше посмотреть, что читают блондинка слева и шатенка справа, а своей книжкой прикрыть живот, который как раз и показывает, что не хлебом единым вы сыты. Вверх ногами читать трудно, на японском языке очень трудно. «Справочник бульдозериста» — бесполезно. «Уголовный кодекс» может привлечь внимание.

Сам собой напрашивается вывод — лучше не читать. Но если не читать, можно умереть со скуки. Значит, нужно писать. Но писать так, чтобы можно было это читать. Правда, писать стоя неудобно, сидя — нечего, а лежа — вредно. Плохо писать неинтересно, большую книгу писать быстро надоедает, хорошую не написать... ну и понятно, что писать на японском языке очень трудно, а «Справочник бульдозериста» — написать и свихнуться.

Сам собой напрашивается вопрос — что же делать? И остается одно — выкинуть на пальцах. Четное — идешь писать, нечетное — читать, а если ни то и ни другое — ложишься спать. Так и вертишься.

А. ШОРИН.

ЗВОНОК

На рабочем столе Исламова зазвонил телефон — тр-р-р!

«Брать или не брать? — отчаянно забилась мысль.— Начальство — проверяет — на месте ли — брать!»

Тр-р-р!

«Леночка — вдруг она.— Леночка — соврал — что в командировке — проверяет — не брать!»

Тр-р-р!

«Начальство — пойм е т — нагоняй — разнос — выговор — строгий выговор — по собственному — брать!»

Тр-р-р!

«Леночка — не поймет — — упреки — слезы — сцена — как в море корабли — не брать!»

Тр-р-р!

«Чужим голосом — будто не я — через носовой платок — ах, черт! — куда он делся? — забыл!...»

Тр-р-р!

«Теперь понятно — зачем — культурные люди — носовой платок — носят!»

Тр-р-р!

Исламов расстегнул воротник, засунул голову под рубашку, снял трубку и из-под рубашки как мог гнусаво произнес:

— Аллё!

— Гулю можно? — донесся бархатный баритон.

— Ошиблись номером! — Исламов высунул голову из-под рубашки и со злостью бросил трубку.

О. НАЗАРОВ.



Из журнала «Рогач».

Бош муҳаррир подполковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: индекс 700031 г. ТАШКЕНТ, ул. Д. КУНАЕВА, 21 ТЕЛЕФОНЫ

Зам. редактора — 56-17-98; отв. секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.
Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0158.